



"23 " август 2013 й. № 13

**“Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини
баҳолаш бўйича услубий низом” ни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармонининг 3-банди ижросини таъминлаш, микрофирмаларнинг саноат фаолияти ҳисобининг статистик услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 28 мартдаги 2-сон “Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2013 йилнинг 26 августидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис:

Б. Тўраев